

Юртимиз меҳмонлари



19:51 / 01.05.2024 2383

2024 йил 30 апрель куни юртимизга яманлик машҳур олим, дин арбоби, **шайх Ҳабиб Умар ибн Ҳофиз** ҳазратлари бошчилигидаги бир гуруҳ азиз меҳмонлар ташриф буюришди.

Меҳмонлар ташрифни юртимизнинг муборак қадамжоларидан бири – «**Ҳазрати Имом**» мажмуасини зиёрат қилишдан бошлаб, машҳур аллома, фақиҳ, муҳаддис **Абу Бакр Қафқол аш-Шоший мақбарасини** зиёрат қилдилар, «**Мўйи Муборак**»да қўним топган «**Усмон Мусҳафи**» билан яқиндан танишдилар, турли нодир қўлёзмалар, бир неча араб хатларида битилган манбаларни кўздан кечирдилар.

Шундан сўнг меҳмонларимиз Кўкча даҳасидаги «Шайх Зайниддин» қабристонига келиб, фазилатли **шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** роҳимахуллоҳнинг қабрларини зиёрат қилдилар, Аллоҳ таолодан

набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга қилишини сўраб, у кишининг ҳақларига дуолар қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонларимиз фазилатли **шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ** асос солган «**Hilol-Nashr**» матбаа-нашриётининг босмахонасига ташриф буюришди. Меҳмонларни нашриёт раҳбари **Исмоилжон Муҳаммад Содиқ** кутиб олдилар.

Меҳмонлар босмахонада китоб чоп этиш жараёнини кузатдилар, сўнг «**Hilol Nashr**» матбаа-нашриётининг бош дўконига келиб, у ердаги китобларни, жумладан, **шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** ҳазратларининг илмий мерослари ҳамда адабий-бадий асарлар билан яқиндан танишдилар. Исмоилжон домла меҳмонларга фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг ҳаёт йўллари, илмий мерослари ҳақида маълумот бериб ўтдилар.

Шундан кейин меҳмонларимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги масжидда аср намози ўқидилар.





Намоздан кейин **шайх Ҳабиб Умар ибн Ҳофиз ҳазратлари** юртимизга тинч-осойишта, фаровон ҳаёт тилаб, юртбошимиз олиб бораётган хайрли

ишларга ривож сўраб, дуолар қилдилар.





Меҳмонларимизнинг юртимиз бўйлаб зиёратлари давом этмоқда.